

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ҲАСАНОВ ШУХРАТ ШАВКАТОВИЧ

**“БАКУЛОВИРУС / ҲАШАРОТ ҲУЖАЙРАСИ” ЭКСПРЕССИЯ
ТИЗИМИДА MIS - (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) ОҚСИЛИНИ
ЭКСПРЕССИЯЛАШ**

03.00.12 – Биотехнология

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳасанов Шухрат Шавкатович

“Бакуловирус / ҳашарот ҳужайраси” экспрессия тизимида MIS - (мюллер ингибирловчи субстанцияси) оксилени экспрессиялаш 3

Ҳасанов Шухрат Шавкатович

Экспрессия белка MIS – ингибирующей субстанции мюллера в системе экспрессии «бакуловирусы - клетки насекомых».....21

Khasanov Shukhrat Shavkatovich

Expression of protein MIS (mullerian inhibiting substance) in the expression system “Baculoviruses - insect cells”.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ҲАСАНОВ ШУХРАТ ШАВКАТОВИЧ

**“БАКУЛОВИРУС / ҲАШАРОТ ҲУЖАЙРАСИ” ЭКСПРЕССИЯ
ТИЗИМИДА MIS - (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) ОҚСИЛИНИ
ЭКСПРЕССИЯЛАШ**

03.00.12 – Биотехнология

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4PhD/В418 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси microbio@academy.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Азимова Шахноз Садыковна биология фанлари доктори, профессор Сасмаков Собирджан Анарматович кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Исмаилов Зафар Файзуллаевич биология фанлари доктори Муҳамедов Рустам Султанович биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.38.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрь куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлади. Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7^б-уй, Микробиология институти мажлислар зали, 3-қават Тел.:(+99871) 241-92-28, факс:(+99871) 241-92-71; e-mail: microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7^б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават. Библиотека. Тел.:(+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс:(+99871) 241-92-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда фақат биотехнологик усуллар ёрдамида олинадиган биологик фаол рекомбинант оксилларни (инсулин, эритропоэтин, интерферон, вакциналар ва б.) турли хил экспрессия тизимларида (бактериал, ачитқи, бакуловирус/ҳашарот хужайраси ва сутэмизувчи хужайралари) олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилоқда. Бу борада, бакуловирус/ҳашарот хужайраси экспрессия тизими ўз функционал хусусиятлари билан табиий аналогларидан деярли фарқланмайдиган рекомбинант оксиллар олишга имкон бериши билан ажралиб туради. Ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда рекомбинант оксиллар экспрессияси устида олиб борилган изланишларнинг кўпчилиги тут ипак қурти *Bombyx mori* ядро полиэдрози вирусига асосланган рекомбинант бакуловируслардан фойдаланишга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу вируслар ўзига хос специфик бўлиб, фақат бир турдаги ҳашаротларни зарарлайди, одамлар ва хўжалик ҳайвонлари учун хавфсиздир. Шунингдек, *in vitro* шароитида *Bombyx mori* ҳашарот хужайра культураларида рекомбинант оксилларни синтезлаш қиммат жараёнлигини инобатга олган ҳолда бевосита тут ипак қурти личинкаларидан “биореактор” сифатида фойдаланиш қиммат озуқа муҳитларини ва махсус шароитларни талаб этмайди, натижада рекомбинант оксилларнинг таннархи пасайиши имконияти яратилади.

Жаҳон амалиётида MIS оксиллини (Мюллер ингибирловчи субстанцияси цитокинлар оиласига тегишли гликопротеин) ген муҳандислик усуллари ёрдамида бакуловирус экспрессия тизимида ва сутэмизувчиларнинг хужайра культураларида самарали олиш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Биологик фаол MIS оксиллини олиш учун оксил экспрессияси даражасида қиёсий тадқиқотлар ўтказилади; бунда MIS оксиллини олишнинг мақбул шароитларини танлаш, рекомбинант оксилни ажратиш ва тозалаш, унинг организмдаги таъсир механизмларини аниқлаш каби муҳим ишларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Республикамизда турли касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш, фармацевтик препаратлар билан таъминлаш ва моддий техник базани яхшилаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек, саратон касаллигига қарши дори воситалари ёки диагностика умумлар тайёрлаш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ 2017 йил 4 апрелдаги “2017-2021 йилларда устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида Онкологик хизматларни ривожлантириш ва Онкологик ёрдамни кўрсатиш тўғриси”да ПҚ – 2863 сонли қарори бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан, бакуловирус экспрессия тизимини қўллаш орқали биологик фаол MIS оксиллини олиш усуллари аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1-августда 641-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисида»ги низоми ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлардан маълумки дунёдаги бир қатор илмий лабораторияларда MIS генни бактерия (*E.coli*) ва ачитқи тизимларида экспрессиялаш муваффақиятсиз эканлиги тасдиқланиб, унинг асосий сабаби сифатида бактерия тизимида MIS оқсиллини тўлиқ экспрессиялашга мўлжалланган пост-трансляцион модификация мавжуд эмаслиги ва ачитқиларда MIS генининг 17 та ўқилмайдиган кодонлари бор эканлиги келтирилган.

Мюллер ингибирловчи субстанцияси (MIS) маълум турдаги хужайраларнинг ўсишини, фарқланишини ва апоптозини тартибга солувчи молекулалар синфига киради. MIS эмбрионларда Мюллер каналининг регрессияси, Фаллопиев найлари, бачадон ва қин шаклланишида иштирок этади.

Дунёда рекомбинант MIS оқсиллини олиш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, Patricia Donahoe, David MacLaughlin (2000) ва Jose Teixeira, Shyamala Maheswaran (2001) томонидан Хитой ҳоммияки тухумдони (СНО) хужайраларида рекомбинант инсон MIS (rhMIS) оқсиллини кам унум билан ажратиб олишган. Ушбу оқсилнинг СНО хужайраларида экспрессияланиши мураккаб жараён ҳамда нисбатан қиммат озуқа муҳити ва кўп босқичли тозалашни тақоза этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ГНТП А-6-287 «Рекомбинант оқсилларни юқори самарали экспрессияси учун модификацияланган бакуловиролар экспрессия тизимини ишлаб чиқиш». ва КА-6-004 «Турли зотга мансуб *Bombux mori* личинкаларида рекомбинант бакуловиролар олиш усулини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: *Bombyx mori* бакуловирус / хашарот хужайралари экспрессия тизимида рекомбинант MIS - (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) оксилени экспрессиялашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

MIS - (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) генини *pVasPAK8* бакулавирус трансфер векторига клонлаштириш ва олинган рекомбинант *pVasPAK8-polh-MIS* плазмидани *Escherichia coli* NEB5 α хужайрасига трансформациясини амалга ошириш;

Рекомбинант *pVasPAK8-polh-MIS* плазмидасини ПЗР усулида селекция қилиш учун праймерлар синтез қилиш. Олинган MIS гени ДНК фрагментининг нуклеотид кетма кетлигини аниқлаш;

Ёввойи турдаги *Bombyx mori* ядровий полиэдроз вируси ва рекомбинант *pVasPAK8-polh-MIS* плазида ДНК сини *Bombyx mori* хужайраларига (BMN1) ко-трансфекциялаш;

MIS генини экспрессияловчи рекомбинант *rBmNPV*- MIS бакуловирус клонларини тозалаш ва идентификация қилиш;

Bombyx mori (BMN1) хужайра культураларида MIS оксилени экспрессиялаш;

ПААГ электрофорез ва иммуноблотинг усуллари ёрдамида рекомбинант MIS оксилени тавсифлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёввойи турдаги *Bombyx mori* ядровий полиэдроз вируси *wtBmNPV* ДНКси, *Bombyx mori* (BMN1) хужайра культуралари ва *pVasPAK8* трансфер вектори ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети рекомбинант *pVasPAK8-polh-MIS* плазида ДНКси, Мюллер ингибирловчи субстанциясини кодловчи MIS генидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёниларида биоорганик кимё ва биотехнология (праймерлар синтез қилиш, генларни клонлаштириш, ДНК нуклеотид кетма-кетлигини аниқлаш, ДНК молекулаларини ажратиш ва тозалаш, ПСР, *Bombyx mori* хужайраларини кўпайтириш, ПААГ, Иммуноблот анализи ва бошқ.) услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Bombyx mori* бакуловирус / хашарот хужайраларида MIS - Мюллер ингибирловчи субстанциясини кодловчи янги рекомбинант *pVasPAK8-polh-MIS* плазмидаси клонлаштирилган.

илк бор ёввойи турдаги *Bombyx mori* ядровий полиэдроз вируси ва рекомбинант *pVasPAK8-polh-MIS* плазида ДНКсини *Bombyx mori* хужайраларига (BMN1) ко-трансфекцияланган;

MIS оксилени экспрессияловчи рекомбинант *rBmNPV*-MIS бакуловирус клонлари идентификация қилиниб тоза ҳолда ажратиб олинган;

илк бор *Bombyx mori* (BMN1) хужайра культураларида MIS оксилени олинган;

ПААГ электрофорез ва иммуноблотинг усуллари ёрдамида олинган рекомбинант MIS оксиленинг молекуляр оғирлиги ва юқори антигенлик

хусусиятларини намоён этиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мюллер ингибирловчи субстанциясини (MIS) кодловчи ўлчами 7596 н.ж. га тенг бўлган янги рекомбинант *pBacPAK8-polh-MIS* плазмидаси клонлаштирилган.

Рекомбинант *pBacPAK8-polh-MIS* плазида ва ёввойи турдаги *Bombyx mori* ядровий полиэдроз вируси ДНКни *Bombyx mori* хужайраларига ко-трансфекциялашнинг оптимал шароитлари аниқланган.

rBmNPV-MIS бакуловирус клонларини идентификациялаш ва тоза ҳолда ажратиш олиш усуллари ишлаб чиқилган.

Bombyx mori хужайра культураларида MIS оқсилнинг синтези амалга оширилиб, унинг молекуляр оғирлиги ва антигенлик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотларни замонавий биоорганик кимё ва биотехнология усуллари қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Ҳар бир тадқиқот натижалар замонавий аналитик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган. Бунинг тасдиқи сифатида мутахассислар томонидан эксперт хулосалари, ҳамда республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокамадан ўтганлиги, рецензия қилинувчи илмий нашрларда чоп этилганлиги ва патентлаш учун топширилган аризалар хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, янги рекомбинант плазида клонлаштириш ва унинг асосида *Bombyx mori* бакуловирус хужайра культураларида рекомбинант MIS оқсилни экспрессия қилишга имкон берувчи янги рекомбинант бакуловирус яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, янги рекомбинант *pBacPAK8-polh-MIS* плазмидаси клонлаштирилди ва унинг асосида *Bombyx mori* бакуловирус/ҳашарот хужайраларида мақсадли оқсилни экспрессияловчи рекомбинант rBmNPV-MIS бакуловирус олинган. Янги рекомбинант MIS оқсили саратон касаллигига қарши янги дори воситалари ёки одам репродуктив ҳолатини ташхислаш мақсадида диагностика воситаларини ишлаб чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Bombyx mori* бакуловирус / ҳашарот хужайраси экспрессияси тизимида рекомбинант MIS - (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) оқсилни экспрессиялашни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Bombyx mori рекомбинант *pBmNPV-polh - MIS* бакуловируси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Фитопатоген ва бошқа микроорганизмлар” ноёб объекти коллекцияси генофондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 2020 йил 18 мартдаги 4/1255-789-сон маълумотномаси). Натижада фитопатоген микроорганизмлар штамлари коллекция генофондини бойитиш, вирус турлари хилма-хилликлари электрон базаси ахборот таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган;

ажратиб олинган *Bombyx mori* рекомбинант *pBmNPV-polh - MIS* бакуловируси Жаҳон микроорганизмлар маълумотлар марказининг Патоген Микроорганизмлар Миллий коллекциясининг (World Data Center for Microorganism (WDCM) Collection of plant pathogenic and other microorganisms) маълумотлар базасига GEPB WDCM 1228-рақами (http://www.wfcc.info/ccinfo/index.php/collection/by_id/1228/) орқали рўйхатдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 2020 йил 18 мартдаги 4/1255-789-сон маълумотномаси). Натижада дунёнинг турли минтақаларида бакуловирус/ҳашарот хужайрасини тақиқ қилишда глобал доирада фойдаланиш имконини берган;

Bombyx mori ядро полиэдрози вирусига асосланган рекомбинант *pBmNPV-MIS* бакуловирустан Ф-А-2018-012 рақамли «Тут ипак куртининг ядро полиэдрози касаллигига чидамли тизимларни олиш учун дастлабки селекцион материални яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида турли хил тут ипак курти зотларини бакуловирусларга чидамли зотни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистан саноат уюшмасининг 2020 йил 10 мартдаги 2-3/624-сон маълумотномаси). Натижада ипакчилик саноатини ядро полиэдроз вирусига нисбатан чидамли бўлган тут ипак курти зоти билан таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Рекомбинант оксилларни бакуловирус экспрессия тизимида ифодалаш**» деб номланган биринчи бобида бакуловируслар ҳақида умумий маълумотлар, *Bombyx mori* (*BmNPV*) ядро полиэдроз вирусини тузилиши, Бакуловирус экспрессия тизимини бошқа экспрессия тизимлари билан солиштириш, Бакуловирус экспрессия тизимида

ишлатилинадиган штаммлар ва трансфер векторлар ҳақида хорижий илмий адабиётлар шарҳи батафсил баён этилган.

Диссертациянинг “**Рекомбинант бакуловирусларни конструкциялаш, трансфекциялаш ва идентификациялаш усуллари.**» деб номланган иккинчи бобида генини трансфер векторларга клонлаштириш, рекомбинант плазмидаларни *Bombyx mori* (BmNPV) хужайра линияларига котрансфекциялаш, ПЗР усули ва идентификациялаш ҳамда бошқа экспрессиялаш усуллари келтирилган.



Диссертациянинг учинчи боби «**Бакуловирус хашарот хужайраси экспрессия тизимида рекомбинант MIS оқсилни экспрессиялаш**» га бағишланган. Мазкур бобда MIS - (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) генини ўз ичига олган pVasPAK8 трансфер вектори асосида рекомбинант плазмидларни конструкциялаш. Шунингдек MIS ген ДНК фрагментининг нуклеотид кетма кетлигини аниқлаш, MIS генини сақловчи рекомбинант плазмидани *Bombyx mori* (BMN1) хужайрасига киритиш, ушбу оқсилни энг кўп ишлаб чиқарувчи рекомбинант pBmNPV- MIS бакуловирус клонларини тозалаш ва идентификация қилиш шу билан бирга олинган MIS оқсилнинг хусусиятларини ПААГ электрофорез ва иммуноблот усуллари орқали ўрганиш натижалари келтирилган.

MIS - (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) генини pVasPAK8 бакулавирус трансфер векторига клонлаштириш.

MIS оқсилни *Bombyx mori* (BMN1) хужайраларида экспрессиясини амалга ошириш учун, *Bombyx mori* ядро полиедроз вирусига асосланган pVasPAK8 трансфер вектори танлаб олинди. pVasPAK8 плазмидаси 5538 ж.н. ўлчамли ҳамда ўзида *Bombyx mori* гономи қисмларини сақлаган ва мақсадли оқсилни юқори унум билан олишга имкон берадиган полиэдрин (polh) генининг промотри ҳисобланади.

MIS гени ЎзФА ЎМКИ Молекуляр генетика лабораториясидаги pVs-Ac-polh-MIS плазмидадан олинди.

pVasPAK8 трансфер векторига MIS генини киритиш учун унинг физик картасига муофиқ EcoRI ферменти билан рестриктаза таҳлили олиб борилди.





1-

расм. рВасРАК8 трансфер вектори физик картаси ва унинг рестрикция таҳлили

Бунда, **А**- рВасРАК8 трансфер векторининг *EcoRI* рестриктаза ферменти билан ишлов берилгандан сўнг чизиқсимон шакли; **В**- рВасРАК8 трансфер векторининг ҳалқасимон шакли.

Рестрикция натижалари 0.8% ли гелъ-электрофорез усули орқали таҳлил қилганда рВасРАК8 трансфер векторининг 5538 ж.н. ўлчамли чизиқсимон шакли ҳосил бўлди (1-расм).

MIS генини тайёрлаш учун рVs-Ас-polh-MIS плазмид ДНК сига *EcoRI* ферменти билан ишлов берилди ва тегишли ДНК фрагменти ажратиб олинди (2-расм).




2 – расм рVs-Ас-polh-MIS плазмидасига *EcoRI* ферменти билан ишлов берилгандан кейинги таҳлили.

Бунда; **А**- рVs-Ас-polh-MIS плазмидасининг чизиқсимон шакли. **В** ва **С** рVs-Ас-polh-MIS плазмидасига *EcoRI* рестриктаза ферменти билан ишлов берилгандан кейинги рVs-Ас-polh ва MIS ДНК фрагментлари.

2-расмдан кўриниб турибдики рVs-Ас-polh-MIS плазмидасига *EcoRI* рестриктаза ферменти билан ишлов берилгандан сўнг иккита ДНК фрагментлари (**В**) 3651 ж.н рVs-Ас-polh ва (**С**) 2058 ж.н. MIS ҳосил бўлди. Натижада MIS гени 0,8% агароза гелидан гомоген ҳолатда Элюция қилиб ажратиб олинди.

Векторнинг кесилган учлари ўз-ўзига ёпишиб қолмаслиги учун унга ишқорий фосфатаза ферменти билан ишлов берилди. Ҳосил бўлган ДНК молекулалари Т4 ДНК лигаза ферменти ёрдамида 1:10 (вектор ва ген) нисбатда лигирланди.




3–расм. MIS ген тутувчи рекомбинант pBacPAK8-polh-MIS плазмидасининг генетик картаси.

Лигирланиш жараёнидан сўнг ўзида MIS ген тутувчи pBacPAK8-polh-MIS рекомбинант плазмидаси олинди. Кейинги жараёнда олинган рекомбинант плазмида *Escherichia coli* хужайрасига трансформация қилинди.

Рекомбинант pBacPAK8-polh-MIS плазмидасини Escherichia coli NEB-5α хужайрасига трансформацияси ва олинган клонларини селекция қилиш

Лигирланган аралашма *Escherichia coli* NEB-5α хужайрасига электропорация усули ёрдамида трансформация қилинди. Рекомбинант pBacPAK8-polh-MIS плазмидаси ампициллинга чидамли ген тутуди, шунинг учун ампициллинли селектив муҳитда фақат рекомбинант плазмидалар сақловчи клонларгина ўсади (100мкг/мл).




4 - расм Рекомбинант *E.coli* клонларининг ампициллинли LB агар муҳитида селекцияси

Кейинги тадқиқотлар учун ампициллинли муҳитга ўстирилган трансформантлардан фойдаланилди.

Рекомбинант рВасРАК8-polh-MIS клонларининг электрофорез таҳлили

Кейинги тажрибаларимизда биз, *E.coli* хужайрасидан ажратиб олинган рекомбинант рВасРАК8-polh-MIS плазмидасини рестрикция таҳлилини олиб бордик. Бунда дастлабки рВасРАК8 (5538) плазмидасига ва рекомбинант рВасРАК8-polh-MIS плазмидаларига EcoRI (G↓AATTC ва CTTAA↓G) рестриктаза ферменти билан ишлов берилди. Натижада 5538 ж.н. ва 7596 ж.н. (5538 п.н.+2058 п.н.) ДНК фрагментлари олинди бу эса рВасРАК8 плазмидасининг физик картасига асоаланиб (см. рис. 1) олинган ДНК фрагментлари кутилган ўлчамга мос келишини кўрсатди (5-расм).



5-расм. рВасРАК8 ва рВасРАК8-polh-MIS плазмидаларининг чизиксимон ҳолдаги 0.8 % гелъ электрофорез таҳлил натижалари

Бунда А-фрагмент рВасРАК8 вектори, С-фрагмент рВасРАК8-polh-MIS рекомбинант плазмидаси.

Юқоридаги электрофорез таҳлил натижасидан шуни хулоса қилиш мумкинки, рекомбинант рВасРАК8-polh-MIS плазмидаси ўз таркибида MIS генини сақлайди.


рВасРАК8-polh-MIS рекомбинант плазмидасининг ПЗР таҳлили

Кейинги тадқиқотларимизда олинган рекомбинант клонларнинг тегишли ПЗР таҳлили олиб борилди. Бунинг учун “MIS” генига специфик праймерлар NCBI маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда MIS генининг 4 хил ДНК қисмига 4 жуфт праймерлар синтез қилинди (1-жадвал). Праймерлар синтези «Синтезатор ДНК/РНК ASM-2000» ускунасида амалга оширилди.


Синтез қилинган праймерлар 25 % ПААГ гели ёрдамида тозаланди. Жадвалда келтирилган праймерлар асосида стандарт ПЗР таҳлили амалга оширилди. Амплификация маҳсулотлари 1% ли агароза гелидаги электрофорез усули ёрдамида таҳлил қилинди (7-расм).

Олигонуклеотидларнинг (праймер) тузулиши

Праймер рақами	Праймер кетма-кетлиги 5'->3'	Tm °C	н.ж.	Амплификат ўлчами	
1	F_MIS-1F	ATGCGGGACCTGCCTCTCACCA	68.9	22	538
	R_MIS538R	AGGCTCTGGGCACCCGGCAG	69.6	20	
2	F_MIS-538F	CTGCCGGGTGCCCAGAGCCT	69.6	20	433
	R_MIS971R	TCCGACAGGTTGACTAGGCCCT	63	22	
3	F_MIS-971F	AGGGCCTAGTCAACCTGTCGGA	63	22	459
	R_MIS1430R	TCTCGGGGATGAGTACGGAGCGCT	69.6	24	
4	F_MIS-971F	AGGGCCTAGTCAACCTGTCGGA	63	22	719
	R_MIS1690R	TCACCGGCAGCCACACTCGG	68.5	20	



6-расм. MIS генига синтез қилинган праймерларнинг генетик картадаги кўриниши.



7-расм. Клонланган pBacPAK8-polh-MIS рекомбинант плазмидасининг стандарт ПЗР таҳлили натижалари


рВасРАК8-polh-MIS рекомбинант плазмидасидаги MIS генининг ўлчами 1683 ж.н. эканлигини инобатга олсак, юқорида амалга оширилган ПЗР таҳлиллари натижасида мазкур геннинг барча ДНК қисимларида керакли ўлчамли ДНК молекулаларининг ҳосил бўлганлигини кўришимиз мумкин. Шундай қилиб тўлиқ ўлчамли MIS гени рВасРАК8-polh-MIS плазмидасига клонланганлиги аниқланди.

MIS геннинг трансфер векторга тўғри йўналишда клонланганини аниқлаш

Кейинги тажрибаларимизда биз, MIS гени рекомбинант рВасРАК8-polh-MIS плазмидасига тўғри йўналишда клонланганини аниқлашни мақсад қилдик. Бунинг учун плазмидасининг маълум ДНК қисимларига махсус праймерлар синтез қилинди.


Forward primer: 5'- TTGTTAAAAATAACAGCCATT -3' (полиэдрин гени промотр ДНК кетма кетлигидан)

Reverse primer: 5'- TCTAAGCGCCTATGAGCA -3' (MIS генининг маълум қисмидан)



8-расм. MIS генига синтез қилинган праймерларнинг генетик картадаги кўриниши.

Юқоридаги синтез қилинган праймерлар ёрдамида керакли ДНК молекуласи стандарт ПЗР усули ёрдамида амплификация қилинди (513 ж.н.) (9-расм).



9-расм. MIS генининг тўғри йўналишини аниқлаш учун олиб борилган ПЗР таҳлили натижаси.

9-расмдан кўриниб турибдики синтез қилинган праймерлар ёрдамида амплификация қилинган ДНК молекуласи назарий ўлчамга мос келмоқда. Агар MIS гени рВасРАК8 плазмидасига нотўғри йўналишда жойлашганда ҳосил бўлган амплификат 513 bp эмас 1441 bp ни ташкил қилиши керак эди.

Демак, юқорида олиб борилган ишлар натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, мақсадли MIS гени рекомбинант *pВасРАК8-polh-MIS* плазмидасига тўғри йўналишда клонланган.

pВасРАК8-polh-MIS рекомбинант плазмидаси таркибидаги MIS генининг нуклеин кислоталар кетма-кетлигини аниқлаш.

Кейинги таҳлилларда рВасРАК8-polh-MIS рекомбинант плазмидаси таркибидаги MIS генининг нуклеин кислоталар кетма-кетлигини аниқланди.

5' **ATGCGGGA** CCTG CCTCTCA CCA GCCTGGCCC
TAGTGTGTCTG CCCTGGGGGCTCTGCTGGGGACTGAGGCCCTCAGAGCAGAGGAG
CCAGCTGTGGGCACCAAGTGGCCCTCATCTTCCGAGAAGACTTGGACTGGCCTCCAGGC
ATCCCACAAGAG GCCTCTGTGCCTGGTGGCACTGGGC GGGGACAGCAATGGCAGCAG
CTCCCCCTGCGGGTGGTGGGGGCTCTAAGCGCCTATGAGCAGGCCTTCTGGGGGGC
CGTGCAGAGGG CCCCCTGGGGCCCCCGAGACCTGGCCACCTTCGGGGTCTGCAACA
CCGGTGACAGGCAAGCTGCCTTGCCCTCTCTACGGCGGCTGGGGGCCTGGCTGCGG
GACCCCTGGGGGG CAGCGCCTGGTGGTCTTACAACCTGGAGGAAGTGACCTGGGAGCC
AACACCCCTCGCTGAGGT TCCAGGAGCCCCCGCCTGGAGGAGCTGGCCCCCCAGAGC
TGGCGCTGCTGGTG CTGTACCCTGGGCCTGGCCCTGAGGTCACCTGTGACGAGGGCTG
GGCTGCCGGGTGCCAGAGCCTCTGCCCCTCCCAGACACCCGCTACCTGGTGTAG
CGGTGGACCGCCCTGCGGGGGCCTGGCGCGGCTCCGGGCTGGCCTTGACCCCTGCAG
CCCCGCGGAGAGGACTCCCCTGAGTACCGCCCGGCTGCAGGCACTGCTGTTCCGG
CGACGACCAACCGCTGCTTACACGGATGACCCCCGGCCCTGCTCCTGCTGCCGCGGTC
CGAGCCCCGCGCCGCTGCCTGCGCACGGCCAGCTGGACACCGTGCCCTTCCCGCCGCC
CAGGCCATCCGCGGAACCTCGAGGAGTCCGCAACCCAGCGCAGACCCCTTCCCTGGAGA
CGCTCACCGCGCCTGGTGCGGGCGCTGCGGGTCCCCCGGCCCGGGCCTCCGCGCCCGC
GCCTGGCCCTGGATCCGGACCGCTGGCCGGCTTCCCAGGGCCTAGTCAACCTGT
CGGACCCCCGCGGCGCTGGAGCGCCTACTCGACGGCGAGGAGCCGCTGCTGCTGCTG
CTGAGGCCCACTGCGGCCAACCACGGGGATCCTGCGCCCTGCACGACCCCCACGTC
GGCGCCGTGGGCCACGGCCCTGGCGCGCCCGGTGGCTGCTGAACTGCAAGCGGCGG
CTGCCGAGCTGCGAAGCCTCCCGGGTCTGCCCTCCGGCCACAGCCCCGCTGCTGGCGC
GCCTGCTCGCGCTCTGCCAGGAGCCCCGGCGGCCTCGGCGATCCCCCTGCGAGCGC
TGCTGCTCCTGAAGGCGCTGCAGGGCCTGCGCGTGGAGTGGCGCGGGCGGGATCCG
CGCGGGCCGGGTGGGACAGCGCAGCGCGGGGGCCACCGCCGCCGACGGGCCGT
GCGCGCTGCGGAGCTCAGCGTAGACCTCCGCGCCGAGCGCTCCGTACTCATCCCCG
AGACCTACCAGGCCAACAATTCAGGGCGTGTGCGGCTGGCCTCACTCCGACCCGC
AACCCCGCTACGGCAACCACGTGGTGTGCTGCTGCTGAAGATGCAGGCCCGTGGGGC
CGCCCTGGCGCGCCCAACCTGCTGCGTGCACCCGCTACCGGGCAAGCTGCTCAT
CAGCCTGTGGAGGAACGCATCAGCGCGACCCACGTGCCCAACATGGTGGCCACCG
AGTGTGGCTGCCGGTGA - 3' A-209; T-240; C-641; G-593;

Секвенс қилинган MIS ген нуклеотид кетма-кетлиги NCBI маълумотлар базаси билан солиштирилди. Натижада мазкур базада биз клонлаштирган MIS ген нуклеотид кетма-кетлиги тўлақонли мос эканлиги аниқланди.

Ёввойи турдаги *Bombyx mori* ядровий полиэдроз вируси ва рекомбинант рВасРАК8-polh-MIS плазмиди ДНК сини *Bombyx mori* хужайраларига (BMN1) ко-трансфекциялаш.

рВасРАК8-polh-MIS плазмиди ДНКси ва BmNPV вируси геноми ДНКси орасидаги гомологик рекомбинация *Bombyx mori* BMN1 хужайра линиясида *in vitro* усулида амалга оширилди. Бунда керакли *Bombyx mori* BMN1 хужайра культураси, хашарот хужайралари учун мўлжалланган 10% ли инактивацияланган бузоқ эмбриони зардоби (FBS) ва Grase'с озуқа муҳитида субкультивирланди. *Bombyx mori* BMN1 хужайра линиясида ко-трансфекцияси жараёни Metafectene PRO (Биотех, Германия) липосомал реагенти ёрдамида амалга оширилди. Кейин эса тирик хужайралардан экспрессия самараси миқдорий ПЗР (РТ-ПЗР) усулида баҳоланди.

Трансфекциялаш учун 0.5 дан 2.0 мкг гача рВасРАК8-polh-MIS плазмид ДНКси ҳамда ёввойи тур вируси ДНКси ва бир хил миқдордаги хужайралардан (6×10^4 хужайра/мл) фойдаланилди. 2- жадвалда Metafectene PRO, плазмид ва вирус ДНК ларининг оптимал нисбатлари келтирилган.

2-жадвал

***Bombyx mori* BMN1 хужайраларида трансфекциялашнинг мақбул шароитларини танлаш**

Трансфекциялаш учун ДНКнинг оптимал миқдори			
Плазмид ДНК миқдори	0.5 мкг	1.0 мкг	2.0 мкг
Вирус ДНК миқдори	0.5 мкг	1.0 мкг	2.0 мкг
Трансфекцияловчи реагентнинг оптимал миқдори			
Metafectene PRO	5 мкл	10 мкл	15 мкл
Оптимал нисбатлари			
ДНК		Трансфекцияловчи реагент Metafectene PRO	
3 мкг		10 мкл	


Олинган натижаларга кўра, трансфекцияланган хужайралар миқдори трансфекцияловчи реагент миқдорига боғлиқлиги ҳамда трансфекциянинг мақбул шароитлари аниқланди. Бунда вирус ДНКси учун *Bombyx mori* BMN1 хашарот хужайра мембранасининг ўтказувчанлиги махсус равишда оширилди.

MIS гени экспрессияловчи рекомбинант rBmNPV- MIS бакуловирус клонларини тозалаш ва идентификация қилиш.

Юқорида котрансфекция жараёни асосида олинган рекомбинант бакуловирус rBm-polh-MIS клонларини ёввойи типдаги бакуловируслардан тозалаш учун изоляция қилинган вирус колонияларини ажратиш усули - *Plaque assay* тозалаш усулидан фойдаланилди. Бу жараённи жуда кўп қайтариш натижасида мақсадли гени экспрессияловчи энг юқори

миқдордаги вирус сақловчи колониялар тозаланди.

Шундан сўнг вирус клонларининг генетик бир ҳиллигига эришиш учун ҳамда рекомбинант вирус миқдори аниқлаш ва бакуловируслар учун қўлланилган хужайра линиялари таъсирчанлигини аниқлашда ҳар бир танланган рекомбинант вирус клонлари TCID50 лимитловчи суюлтириш усули орқали 3 босқичли тозалашдан ўтказилди. Натижада керакли геннинг экспрессиясини таъминловчи вирус колонияларини тозалаб олишга эришилди. Ушбу тайёрланган вирус стоклари кейинчалик *Bombyx mori* тут ипак қурти хужайраларини инфицирлашда фойдаланилади. Тайёрланган вирус стокидан рекомбинант вирус миқдорини аниқлаш мақсадида РТ-ПЗР таҳлили амалга оширилди (10-расм).



10 - расм. MIS регионининг миқдори бўйича РТ-ПЗР таҳлили натижалари

Графикдаги **1-3** квадратчалар маълум ДНК концентрациясига эга бўлган стандарт эритмаларни англатиб, концентрацияси мос равишда $2E3$ - 2000 нусха/мл (**1**), $2E4$ - 20000 нусха/мл (**2**), $2E5$ - 200000 нусха/мл (**3**) га тенг. Ўрганилаётган намуналар графикда **4-5** рақамли квадратчалар билан кўрсатилган.


Демак изоляция қилинган колонияларни РТ-ПЗР да ўрганиш ва таҳлил қилишдан сўнг керакли миқдордаги вирус стоклари танлаб олинди. Бунда хашарот хужайра линияларини инфицирлаш учун керак бўладиган рекомбинант вирус стокининг концентрацияси $C = 2 \times 10^6$ нусха/мл эканлиги аниқланди.

***Bombyx mori* (BMN1) хужайра культураларида MIS-оқсилни экспрессиялаш**

Рекомбинант *rBm-polh-MIS* бакуловирус билан зарарланган *Bombyx mori* хужайра линиялари $+22^{\circ}\text{C}$ дан $+26^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратда 10-15 % FBS (бузоқ эмбриони зардоби) тутган Grace's ли озуқа мухитида ўстирилди. Хужайралар 7 кун давомида инкубатцияда кўпайтирилди ҳамда центрифуга қилиниб тегишли оқсилнинг хусусиятлари ПААГ электрофорез ва иммуноблот таҳлилларида кўрилди.

Рекомбинант MIS-оқсилни тавсифи (ПААГ электрофорез, Иммуноблот)


Рекомбинант MIS оқсилни денатурация шароитида 10% ПААГ гелъ-электрофорез таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижасига кўра рекомбинант MIS оқсилни (А) молекуляр оғирлиги 70 кДа ни ташкил қилиб, бу унинг адабиётларда кўрсатилган аминокислота кетма-кетлиги асосида ҳисобланган мономернинг молекуляр оғирлигига мос келди (11-расм).



11-расм. Рекомбинант MIS оқсилнинг 10% ПААГ электрофорез таҳлили

Бунда (А) MIS оқсилни ўз ичига олган *Bombyx mori* хужайраларининг гомогенати. (В) *Bombyx mori* хужайра линияларининг гомогенати.

Кейинги тадқиқотларда биз иммуноблот усули билан MIS оқсилни ўзида сақлаган хужайрали гомогенатни текширдик. Иммуноблот учун «Monoclonal Antibody to Anti-Mullerian Hormone (AMH) (Cloud-Clone Corp. Cat. MAA228Hu22)» тижорат тўпламидан фойдаландик (12-расм).



12 – расм. MIS оқсиленинг иммуноблот таҳлили

12-расмдан кўриниб турибдики *Bombyx mori* хужайра культураларида экспрессия қилинган рекомбинант MIS оқсили, инсон MIS оқсиленинг моноклональ антитаналарига нисбатан антигенлик хусусиятини намоён қилди.

Шундай қилиб, *Bombyx mori* хужайра культураларида экспрессия қилинган рекомбинант MIS оқсиленинг молекуляр оғирлиги 70 кДа (мономер) эканлиги ва антиген спецификлик намоён этганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

“Бакуловирус / ҳашарот хужайраси” экспрессия тизимида MIS - (мюллер ингибирловчи субстанцияси) оқсилени экспрессиялаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк бор *Bombyx mori* бакуловирус / ҳашарот хужайралари экспрессия тизимида MIS - Мюллер ингибирловчи субстанциясини кодловчи янги рекомбинант *pBacPAK8-polh-MIS* плазмидаси клонлаштирилди.
2. Клонланган MIS - ген ДНК фрагментининг нуклеотид кетма кетлиги аниқланиши билан изоҳланади.
3. *Bombyx mori* хужайраларида ко-трансфекция йўли билан рекомбинант *pBacPAK8-MIS* ва *Bombyx mori* ядровий полиэдроз вирус ДНКлари асосида янги рекомбинант *rBmNPV-MIS* бакуловируси ажратиб олинди.
4. Илк бор *Bombyx mori* (BMN1) хужайра культураларида рекомбинант MIS оқсили экспрессияси қайд этилди.
5. Олинган рекомбинант MIS оқсиленинг молекуляр оғирлиги 70 кДа эканлиги ва антигенлик хусусиятини намоён этди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019.В.38.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
МИКРОБИОЛОГИИ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ХАСАНОВ ШУХРАТ ШАВКАТОВИЧ

**ЭКСПРЕССИЯ БЕЛКА MIS – ИНГИБИРУЮЩЕЙ СУБСТАНЦИИ
МЮЛЛЕРА В СИСТЕМЕ ЭКСПРЕССИИ «БАКУЛОВИРУСЫ -
КЛЕТКИ НАСЕКОМЫХ»**

**03.00.12 – Биотехнология
02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4PhD/B418

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio@academy.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научные руководители:

Азимова Шахноз Садыковна
доктор биологических наук, профессор
Сасмаков Собирджан Анарматович
кандидат химических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Исмаилов Зафар Файзуллаевич
доктор биологических наук

Муҳамедов Рустам Султанович
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация

Институт биоорганической химии

Защита диссертации состоится «28» декабря 2020 года в «10⁰⁰» часов на заседании Научного Совета DSc.02/30.12.2019.B.38.01 при Институте микробиологии (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 76, конференц-зал Института микробиологии, 3 этаж Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, 246-02-24, e-mail: microbio@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрирована под № ____). Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 76, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 года).

Арипов Тахир Фатихович

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, б.ф.д., профессор, академик

Жураева Рохила Назаровна

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

Гулямова Ташхан Гафуровна

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность исследования. В настоящее время в мире особое внимание уделяется на получение биологически активных рекомбинантных белков (инсулин, эритропоэтин, интерфероны, вакцины и др.) в различных системах экспрессии (бактериальная, дрожжевая, бакуловирусы / клетки насекомых и клетки млекопитающих) биотехнологическими методами. Отличительной чертой системы экспрессии бакуловирусы / клетки насекомых является, что она позволяет получать рекомбинантные белки, не отличающиеся от природных аналогов по функциональным свойствам. Большинство работ, посвящённых экспрессии рекомбинантных белков с применением данной экспрессионной системы, описывают получение рекомбинантных бакуловирусов на основе вируса ядерного полиэдроса тутового шелкопряда *Bombyx mori*. Необходимо упомянуть, что данные вирусы являются высокоспецифичными, заражают только один вид насекомых, безопасны для человека и сельскохозяйственных животных. Учитывая дороговизну процесса синтеза рекомбинантных белков *in vitro* в культуре клеток насекомых *Bombyx mori*, использование личинок тутового шелкопряда непосредственно в качестве «биореактора» не требует дорогостоящих питательных сред и специальных условий, что в конечном итоге приводит к снижению стоимости рекомбинантных белков.

В мировой практике белок MIS (Ингибирующая субстанция Мюллера, гликопротеин принадлежащий к семейству цитокинов) получают методами генной инженерии в различных системах экспрессии, такие как бакуловирусная система и культуры клеток млекопитающих. Для получения полноценного и активного белка MIS проводятся сравнительные исследования по уровню экспрессии белка; подбор оптимальных условий для получения MIS белка; выделение и очистка рекомбинантного белка; выявление механизмов его действия в организме и др.

В нашей Республике уделяется особое внимание разработке и внедрению комплексных мер по диагностике и лечению различных заболеваний, обеспечению фармацевтическими препаратами и улучшению материально-технической базы, а также достигнуты определенные результаты в приготовлении противораковых препаратов или средств диагностики. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены важные задачи в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан № 2863 от 4 апреля 2017 года «О развитии онкологической службы и оказании онкологической помощи в реализации приоритетов на 2017-2021 годы». При выполнении этих задач важно определить методы получения биологически активного MIS белка, в том числе с использованием системы экспрессии бакуловирусы/клетки насекомых.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан» №УП-4947 07.02.2017

Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года, УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетам развития Узбекистана на 2017–2021 годы», указе Президента от 16 сентября 2016 года ПП-2595 «О Программе мероприятий по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности республики на 2016–2020 годы», 1 августа 2019 года Правительство утвердило Положение о Фонде поддержки и развития фармацевтической сети Агентства по развитию фармацевтической сети при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан. Данное диссертационное исследование способствует реализации целей, изложенных в других правовых актах, связанных с этой деятельностью.

